



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 18 июль, № 146 (8489)

Сешанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН САУДИЯ АРАБИСТОНИДА БЎЛАДИ

**Икки муқаддас масжид ходими — Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Марказий Осий — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши» форматидagi биринчи саммитда иштирок этиш учун жорий йил 18-19 июль кунлари Жидда шаҳрида бўлади.**

Бўлажак олий даражадаги учрашувда Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Баҳрайн Подшоҳлиги, Қатар Давлати, Кувайт Давлати, Бирлашган Араб Амирликлари, Ўмон Султонлиги, Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркменистон раҳбарлари ҳамда кенгашнинг бош котиби иштирок этиши кўзда тутилган.

Кун тартибига мувофиқ, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақаларо ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жihatлари юзасидан фикр алмашилади.

Саммит доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Ў.А.

## ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАШАББУСЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Шу йилнинг 14 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Президентимизнинг ушбу маросимдаги нутқи мамлакатимизнинг кейинги етти йилликда амалга ошириладиган устувор вазифалари учун асосий «Йўл харитаси» — муҳим дастури бўлади, десак, айна ҳақиқат.

Олий Мажлис палаталари аъзолари шу хусусда ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқда.

[3-саҳифага қаранг.](#)

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 22 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 22 июнда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ва рақобат муҳитини янада ривожлантиришга, истеъмоличилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга ҳамда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Шу билан бирга рақобат муҳитини ривожлантириш ва истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан берилган ҳамда ўз мuddатида қайтарилмаган кредит маблағларини ундириш масалаларига доир даъволар, аризалар ва шикоятлар билан судларга мурожаат қилиш чоғида тегишли давлат органларини давлат божини тўлашдан озод этиш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини судларга мурожаат қилиш чоғида давлат божини тўлашдан озод этиш назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун тегишли давлат органларига судларга мурожаат қилиш учун ажратилган давлат божини тўловдан тежалган маблағларни тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ва истеъмоличиларнинг ҳуқуқлари янада ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун йўналтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

## Биз ва жаҳон

### «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ХАМКОРЛИК КЕНГАШИ» ФОРМАТИ — ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА МИНТАҚАЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев «Марказий Осий — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши» форматидagi биринчи саммитда иштирок этиш учун шу йил 18-19 июль кунлари Жидда шаҳрида бўлади.

Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (КАДХК) 1981 йил 25 майда ташкил қилинган минтақавий ташкилотдир. Унга Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт, Қатар, Ўмон ва Баҳрайн киради. Ушбу давлатлар углеводородлар етказиб беришчи минтақа ва нефузли жаҳон молия маркази ҳисобланади.

Ташкилотнинг асосий мақсади сиёсий, савдо-иқтисодий, сармолавий, маданий-гуманитар соҳаларда интеграция жараёнини мувофиқлаштириш, яъни иқтисодий ва молиявий масалалар, таълим ва маданият, ижтимоий ва соғлиқни сақлаш, оммавий ахборот воситалари ва туризм, қонунчилик ва бошқарув муаммолари каби соҳаларни тартибга солишдан иборат. Кенгаш, шунингдек,

саноат, қишлоқ хўжалиги ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳаларида илмий ва технологик тараққиётни рағбатлантиради. Қўшма иқтисодий келишув шартларига кўра, олти давлат ўртасида тариф тўсиқлари бекор қилинган. Улар ўзаро келишувга мувофиқ, исталган давлатда тенг шартлар асосида ишлаб чиқариш корхоналарини очиш ва шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

КАДХКнинг асосий органлари — ҳар йили йилгадиган Давлат раҳбарларининг олий кенгаши ва ҳар уч ойда бир марта йилгадиган Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ҳисобланади. Кенгаш Бош котибиятининг қароргоҳи Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёдда жойлашган.

[➡](#)

## Дил сўзи

### Янги Ўзбекистонни шижоатли ёшлар қуради

Қадимги Ўрхун-Энасой тош битикларида «Фикрсизлик — боши берк кўча, тафаккур йўли — абадий ҳаёт йўлидир», дея алоҳида эътироф этилгани бежиз эмас эди. Дунёни юксак билим, инновацион гоялар бошқараётган бугунги замонамизда эса бундай ҳулосалар янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис юртимизда баркамол авлод орзусига монанд кенг қўламли ҳаётбахш ислохотлар амалга оширилиб, таълим тизими равақли учун жуда катта эътибор ва рағбат кўрсатилаётди. Аслида ҳам, бугунги дунё таърибсининг намоён этишича, таълим тарбия йўлида сарфланаётган маблағ янги авлод келажаги учун йўналтирилган энг ишончли инвестициядир.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган Президент, ижод, алоҳида ихтисослаштирилган мактаблар фаолияти бу борадаги эзгу ташаббусларни тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилгани билан аҳамиятли. Бу давлатимизнинг ҳар бир ўғил-қиз тақдирига оталарча ғамхўрлигининг ёрқин тимсоли, дейиш мумкин. Мен Хива шаҳридаги Президент мактабининг бу йилги битирувчилардан

бириман. Болалигимдан тил ўрганишга ва шеър ёзишга жуда қизиққан. Президент мактабига қабул қилинганча у ердаги муҳит, яратилган шароитлар барча фанлар бўйича билимларни чуқур эгаллашимга имкон берди.

9-синфда инглиз тили фан олимпиадасининг вилоят ҳамда «Нирро» халқаро инглиз тили олимпиадасининг республика босқичида 1-ўринни эгалладим. Бу йил «IELTS» халқаро инглиз тили даражасини аниқлаш тестида 7,5 баллни қўлга киритдим.

Жорий йилда таълим йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландим. Президентимизнинг билдирган юксак ишончи менга илм ўрганиш йўлида янада изланишга, янги марралар сари дадил интилишга рағбат берди. Хар йили мактабимиз битирувчилари

ри нуфузли хорижий университетларга ўқишга қияпти. Бу йил мен ҳам 12 та халқаро университетга қабул қилиниб, умумий ҳисобда 780 минг АҚШ доллари миқдоридagi грант соҳибни бўлдим. Булар орасидан танлаганим — АҚШнинг Цинциннати университетига гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқлари йўналишида ўқиш, илмий изланишлар олиб боришни мақсад қилдим.

Давлатимизнинг ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсати тўғрисида мен ва тендошларим қўллаб-қувватлашга эгаласимиз ва бу мени жуда ҳам қувонтиради. Хусусан, «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендия танловларида аёл-қизлар учун қўшимча квоталар ажратиш бериляпти ва бу илмга чанқок қизларнинг нуфузли университетларда ўқиш, Ватанимиз тараққиётига ўз хиссаларини қўшишларига ёрдам беради.

**Севинчой ОЛЛАЁРОВА,**  
Хива шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдори.

[➡](#)

## ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИНИНГ САЙЛОВДАГИ МУТЛАҚ ҒАЛАБАСИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФ ҚИЛИНГАН СТРАТЕГИЯНИНГ АҲОЛИ ТОМОНИДАН ОММАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИНИ ИФОДАЛАЙДИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислохотлар, Ўзбекистон Президентини сайлови якунлари тўғрисида Покистон жамоatchилигига батафсил маълумот бериш мақсадида элчихона томонидан шу йил 14 июль куни «Янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

### Дунё нигоҳи

«Дунё» АА муҳбири хабар беришича, тадбирда Президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган Покистон Сенати аъзолари Ситара Аяз (Халқаро парламентарийлар конгресси бош котиби) ҳамда Файсал Салим Рехман, ТИВ минтақавий бошқармаси бош директори Саид Абрар Хўсайн, етакчи эксперт-таҳлил марказлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Тадбир аввалида сенаторлар Ситара Аяз ва Файсал Салим Рехман сиёсий тадбирдаги иштироки давомидаги кузатишлари билан ўртоқлашди. — Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бо-

расида катта ва намунавий тажриба тўпланганига гувоҳ бўлдик. Овоз бериш жараёнининг шаффофлигини ва ҳалол рақобатни таъминлаш бўйича халқаро талабларнинг барчасига амал қилинган. Сайловда фуқароларнинг, жумладан, ёшларнинг фаол иштироки жамият ҳуқуқий онгининг юқори даражада эканлигидан дарак бермоқда, — деди сенатор Ситара Аяз. Халқаро кузатувчилар учун яратилган шароитлар ҳақида Покистон Сенати аъзоси Файсал Салим Рехман куйидаги фикрларни билдирди:



— Сайловларнинг очик ва умум-эътироф этилган тартибларга мос равишда ўтказилиши шубҳа қолдирмаслик мақсадида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган кузатувчи ва мутахассисларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур чоралар кўрилган. Хар бир сайлов участкаси кузатув учун очик бўлиб, участка сайлов комиссияларининг профессионал тайёргарлиги ҳам таҳсинга лойиқ. Таҳлил марказларимизга шаффоф сайловларни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон таърибсининг тадқиқ қилиш ва унинг афзалликлари асосида миллий тартибларни ислох этиш борасида таклифларни ишлаб чиқишни тавсия қиламан. Сайлов жараёнида ҳавфсизлик ҳам юқори даражада таъминланди. 10 дан ортқ сайлов участка-

ларида бирорта қутилмаган ҳолат юзага келмади. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг тўғри ташкил этилганидан, аҳолининг юксак сиёсий ва электорал маданиятидан дарак беради. Покистон ТИВ Марказий Осий давлатлари бошқармаси бош директори Саид Абрар Хўсайн давлатимиз раҳбарининг минтақавий боғлиқлик, Афғонистон иқтисодиётини тиклаш борасидаги ташаббусларига юқори баҳо берди. — Ўзбекистон етакчисининг сайловдаги мутлақ ғалабаси ва овоз беришда иштирок кўрсаткичининг катта бўлиши Президент таклиф этган Янги Ўзбекистонни барпо қилиш бўйича стратегиянинг аҳоли томонидан оммавий қўллаб-қувватланишини ифодалайди. Трансафғон темир йўлининг қурилиши нафақат Ўзбекистон, По-

кистон ва Афғонистон учун манфаатли, балки Марказий ва Жанубий Осий мамлакатлари иқтисодиётларининг умумий интеграцияси учун хизмат қилади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий боғлиқлик ташаббусини фақат темир йўл лойиҳаси деб қараш керак эмас. Бу ҳаво қатновлари сонини ошириш, ер транспорт инфратузилмасини комплекс ривожлантириш ҳам ўз ичига олади. Натижада минтақаларимиз ўртасида узилиб қолган ришталарни барча йўналишлар бўйича тиклаш имконияти яратилади, ўзаро туристлар оқими ошади, халқ дипломатияси олдинги сафга чиқади, — дея қайд этди Саид Абрар Хўсайн. Ўзбекистон элчиси Ойбек Усомонов мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгартишлар, конституциявий ислохотларнинг моҳияти, Президент сайлови якунлари борасида иштирокчиларга долзарб маълумотларни берди.

[➡](#)

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги ҲК-600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 8-модданинг биринчи қисми: «29-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин: «29) Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга қўриб чиқиш учун берилладиган даъволар ва шикоятлар юзасидан»; қуйидаги мазмундаги 44-банд билан тўлдирилсин: «44) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурдаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси – ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан даъволар, аризалар ва шикоятлар билан судга мурожаат қилганда»;

2) 9-модданинг биринчи қисми: «9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин: «9) Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга қўриб чиқиш учун берилладиган даъволар, аризалар ва шикоятлар буйича»; қуйидаги мазмундаги 28-банд билан тўлдирилсин: «28) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурдаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси – ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан даъволар, аризалар ва шикоятлар билан судга мурожаат қилганда»;

3) 10-модданинг биринчи қисми: «10-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин: «10) Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга қўриб чиқиш учун берилладиган аризалар ва шикоятлар юзасидан»; қуйидаги мазмундаги 18-банд билан тўлдирилсин: «18) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурдаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси – ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан аризалар ва шикоятлар билан судга мурожаат қилганда».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказиладиган ҳақда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2023 йил 13 июль № ҲК-855

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 245-модданинг биринчи қисмидаги «Ушбу Кодекснинг 175<sup>2</sup>, 175<sup>5</sup>» деган сўзлар «Ушбу Кодекснинг 61-моддасида (бюджет ташкилотларининг, бюджет маблағларини оловчиларнинг, давлат мақсади жамғармаларининг ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг мол-мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан оз миқдорда талон-торож қилишга оид қисмида), 175<sup>5</sup>, 175<sup>7</sup>» деган сўзлар билан алмаштирилсин; 2) 264-модданинг биринчи қисмидаги «Ушбу Кодекснинг 175<sup>2</sup> ва 175<sup>5</sup>-моддаларида» деган сўзлар «Ушбу Кодекснинг 61-моддасида (бюджет ташкилотларининг, бюджет маблағларини оловчиларнинг, давлат мақсади жамғармаларининг ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг мол-мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан оз миқдорда талон-торож қилишга оид қисмида), 175<sup>2</sup> ва 175<sup>7</sup>-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги ҲК-546-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 384-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; № 8, 803, 804-моддалар, № 12, 1198-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 3-модданинг иккинчи қисми «Ҳисоб палатаси» деган сўзлардан кейин «юридик шахс бўлиб, у» деган сўзлар билан тўлдирилсин; 2) 4-модданинг ўн иккинчи қисмидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижроси устидан назоратни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш ҳоқорасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижроси устидан назоратни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади ва уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясиغا ахборот киритади; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида белгиланган ижро муддатларини узайтириш тўғрисидаги тақлифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳулосалар киритади»;

3) 30-модда: ўн еттинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилмаганили, шу жумладан уларнинг ижро этилиши жараёни тўғрисидаги ахборот «ifo.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганили» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижро этилмаганили, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида ижро этилмаганили, шу жумладан уларнинг ижро этилиши жараёни тўғрисидаги ахборот қонунчиликда белгиланган тартибда «ifo.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганили» деган сўзлар билан алмаштирилсин; 4) ийгирманчи қисмидаги «интизомини» деган сўздан кейин

Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш»; 3) 9-модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Ҳисоб палатаси молия илсининг биринчи ойда молия йили учун иш режалари тўғрисидаги маълумотлари ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради. Ҳисоб палатаси назорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган молиявий ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг бартараф этилиши тўғрисидаги маълумотларни хар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради, бундан давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини ўз ичига олган маълумотлар мустасно.

Ҳисоб палатаси хар чоракда камиди бир марта ўз фаолияти тўғрисида жамоатчилик олдида оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокิดа ҳисоб бериб боради»; 4) 11-модданинг иккинчи қисмидаги «ҳамда ёрдамчи ходимларидан» деган сўзлар ёрдамчи ва техник ходимларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин; 5) 12-модданинг:

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Ҳисоб палатасининг шўба мудирилари, бош инспекторлари, етакчи инспекторлари, инспекторлари, ёрдамчи ва техник ходимлари Ҳисоб палатасининг раиси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади»;

6) 13-модда қуйидаги мазмундаги ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмлар билан тўлдирилсин: «мехнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ Ҳисоб палатасига ходимларни ишга қабул қилишни амалга оширади ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилади»; буйруқлар чиқаради ва Ҳисоб палатасининг таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомагини тасдиқлайди;

Ҳисоб палатасининг шtat жадвалини тасдиқлайди»; 7) 14-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин: «Ҳисоб палатасининг раиси йўқлигида унинг ваколатларини раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар ҳам йўқлигида эса Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосарларидан бири амалга оширади»; 8) 28-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«28-модда. Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижроси устидан назоратни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш ҳоқорасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижроси устидан назоратни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади ва уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритади; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида белгиланган ижро муддатларини узайтириш тўғрисидаги тақлифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳулосалар киритади»;

9) 30-модда: ўн еттинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилмаганили, шу жумладан уларнинг ижро этилиши жараёни тўғрисидаги ахборот «ifo.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганили» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижро этилмаганили, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади ва уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритади; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида белгиланган ижро муддатларини узайтириш тўғрисидаги тақлифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳулосалар киритади»;

10) 30-модда: ўн еттинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилмаганили, шу жумладан уларнинг ижро этилиши жараёни тўғрисидаги ахборот «ifo.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганили» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижро этилмаганили, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади ва уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритади; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида белгиланган ижро муддатларини узайтириш тўғрисидаги тақлифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳулосалар киритади»;

11) 30-модда: ўн еттинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилмаганили, шу жумладан уларнинг ижро этилиши жараёни тўғрисидаги ахборот «ifo.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганили» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижро этилмаганили, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади ва уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритади; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида белгиланган ижро муддатларини узайтириш тўғрисидаги тақлифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳулосалар киритади»;

12) 30-модда: ўн еттинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилмаганили, шу жумладан уларнинг ижро этилиши жараёни тўғрисидаги ахборот «ifo.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганили» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижро этилмаганили, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади ва уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритади; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида белгиланган ижро муддатларини узайтириш тўғрисидаги тақлифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳулосалар киритади»;

13) 45-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Ҳисоб палатаси фаолиятини молиявий ва моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳамда қонунчиликда таққиланган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Ҳисоб палатасида бюджетдан ташқари жамғарама ташкил этилади, ундан фойдаланиш тартиби қонунчиликда белгиланади.»

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказиладиган ҳақда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2023 йил 17 июль № ҲК-856

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ – КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ» ФОРМАТИ – ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА МИНТАҚАЛАРАМО ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШИ

Дунёда юзага келаятган мураккаб вазият, глобал сиёсий, харбий, иқтисодий ҳамда молиявий муаммолар ва таҳдидлар ҳамда уларнинг фондида Марказий Осиёнинг ҳафсизлиги ва иқтисодий ривожланишини таъминлаш масалалари ҳамкорлик географиясини янада диверсификация қилиш, шу жумладан, араб дунёси мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтириш, минтақаларо ўзаро боғлиқлиқни ривожлантириш ва мустақамлашни долзарблаштиришда.

Шу нуқтаи назардан, КАДЖКга аъзо давлатлар билан барча соҳада, жумладан, илмий йўналишда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва фаоллаштириш жуда муҳим бўлиб қолаётди. Марказий Осиё ва араб давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги даражаси аслида янгилик эмас. Ушбу алоқалар тарихининг барча даврларида мавжуд бўлган. Бирок турли омиллар, жумладан, тарихий, сиёсий, мафкуравий ва бошқалар тўғрисида улар ҳозиргидек яқин кечмаган.

Бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси сармовий фаоллик ва иқтисодий ўсишининг муҳим марказларида бирига айланб бораётган янги ҳеч қандай сир эмас. Айрим экспортларнинг фикрида, минтақа давлатларининг умумий ялпи ички маҳсулоти сўнгги беш йилда 20 фоизга ўсиб, 340 миллиард доллардан ошди. Айнан кейинги йилларда кузатиладиган юқори даражадаги ўсиш туфайли минтақа мамлакатлари «Марказий Осиё плюс» мулоқот форматаи доирасида етакчи давлатлар ва куч марказлари билан муносабатларни йўлга қўйишда ўзига хос умумий илмий ҳудудларни ишлаб чиқди. Бугунги кунда Марказий Осиё ва КАДЖК давлатлари ўртасидаги стратегик ҳамкорлиқнинг ривожланишига ўртадаги масофа тўққизинчи қилмоқда, бироқ бу ҳолат қўйма инфратузилма ва энергетика лойиҳаларини амалга ошириш учун тўққизинчи яратмапти. Ушбу жараёнини ривожлантириш учун ҳар икки ҳудудда инвесторларни фаоллаштириш зарур. Бу эса уларнинг янги имконият ва ишбилармонлик муҳитидан хабар-

дор бўлишини талаб қилади. Бундан ташқари, бизнес ҳамжамияти учун аънанавий ва қайта тикланадиган энергия ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича йирик лойиҳаларга зарур бўлган капитал ва тажриба баға эга учинчи томон инвесторларини жалб қилиш орқали инвестицияларни диверсификациялаш имкониятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг айтишича, ушбу сай-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш учун давлат-ҳусусий шериклиқни жалб этиш керак. Энг қийин вазифалардан бири – бу кенгашга аъзо давлатлар билан транспорт ва транзит алоқаларини таъминлаш.

2022 йил сентябрь ойда Ар-Риядда ташқи ишлар вазирлари даражасида бўлиб ўтган «Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши» стратегик мулоқотининг биринчи йиғилишида иштирокчилар умумий қадриятлар ва ўзаро манфаатларга асосланган қучли ҳамда истиқболли шериклик ва халқлар ўртасидаги чуқур тарихий алоқалар, мавжуд сиёсий ва иқтисодий кўп томонлама ҳамкорлиқни йўлга қўйишга қатъий тайёр эканлиқларини билдирди. Учрашув давомидида вазирлар глобал иқтисодиётни тиклаш, COVID-19 пандемияси келтириб чиқарган иқтисодий таъсирини бартараф этиш, таъминот заنجирлари барқарорлигини, транспорт ва транзит алоқаларини, озиқ-овқат, энергетика ҳамда сув ҳафсизлигини таъминлаш, тоза энергия манбаларини ва технологияларни, шунингдек, экологик муаммоларни ҳал қилишни ривожлантириш бўйича сай-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалаларини муҳокама этилди. Йиғилиш якунилари бўйича Марказий Осиё ва КАДЖК давлатлари ўртасида сиёсий ва ҳавфсизлик масалалари, иқтисодий ва сармовий ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш, шунингдек, ишбилармон доира вакиллари ўртасида самарали шериклиқни ривожлантириш бўйича 2023 – 2027 йилларга мўлжалланган стратегик мулоқот ва ҳамкорлик бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

«Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОН ЕТАҚСИННИНГ САЙЛОВДАГИ МУТЛАҚ ГАЛАБАСИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФ ҚИЛИНГАН СТРАТЕГИЯНИНГ АҲОЛИ ТОМОНИДАН ОММАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШНИ ИФОДАЛАЙДИ

Конституциявий ислохотлардан қўланган инсон қадрини унутлаш, «инсон – жамият – давлат» тамойили асосида ижтимоий муносабатлар структурасини қайта шакллантириш, жамиятнинг барча қатлами ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақоний ҳимоя қилинишини таъминлаш эканлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Конституциямизнинг 65-фоиз матни қайта ишланб, замонавий нормалар, янги боблар билан



# ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАШАББУСЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

## ЭКОЛОГИК ТИЗИМИНИ САҚЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ҲАР ҚАЧОНГИДА МУҲИМ

Давлатимиз раҳбарининг тантанали маросимдаги нутқини том маънода барча соҳада янгилаштириб, туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар учун муҳим қадам, дейиш мумкин. Унда барча соҳа қаторида экологик муаммоларни ҳал этиш, атроф-муҳитни муҳофиза қилиш соҳасида ҳам амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар қайд этиб ўтилди.



Хусусан, иқлим ўзгаришлари шароитида “Яшил иқтисодиёт”, “Яшил энергия” тамойилларини янада кенг жойлаштириш, табиий бойликлар ва сув ресурслари тақчиллигининг олдини олиш, юртимиз бебахо экологик тизимини сақлаш ва мустаҳкамлаш, “Яшил макон” умумийлиги лойиҳасини янада жадал давом эттириш, Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш учун барча зарур чора-тадбирлар қўрилиши лозимлигига уру берилди.

Мавриди келганда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган конструктив тақлифлар ҳамда ташаббуслар нафақат халқимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътиборга эриштирилган алоҳида таъкидлаш лозим. БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги буйича қўйилган таъминлаш шериклик асосида траст фонднинг ташкил этилиши, “Оролбўйи минтақасидаги экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциянинг қабул қилиниши шулар жумласидандир.

Шу ўринда биргина Оролбўйи худудидagi экологик ҳолатни яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталсак.

Ҳозирги кунда Оролбўйи худудидa махсус резолюцияда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш буйича жами 2 трлн. 120 млрд. сўмдан ортиқ, 22 млн. АҚШ доллари ва 6 млн. евро миқдоридa маблағлар сарфланган мўлжалланган 71 банддан иборат чора-тадбирлар ҳамда 65 та устувор инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, 2018 йилнинг декабрь ойидан ҳозирги кунга қадар Оролнинг қуриган тубида 1,7 млн. гектардан зиёд майдонга саксувул, черкес ва шўрга ҳамда қурғоқчиликка чидамли бошқа ўсимлик уруғлари сепилди ва кўчатлари екилди.

Нутқда қайд этилганидек, сайловда қатнашган партияларнинг дастурларидаги муҳим тақлиф ва ташаббуслар келгуси фаолиятда эътиборга олиниши биз, экологларни ҳам беҳад қувонтирди. Сабаби мамлакатимизнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли учун қулай атроф-муҳит шароитини яратиш буйича партияимиз дастурида илгари сурилган ташаббуслар ҳам ўз ечинини топади.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган тақлифларнинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимизнинг жадал кўтаётган ҳамда даврнинг ўзи талаб этаётган муҳим янги ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди.

**Хайрулло ҒАҒФОРОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

## ТУБ БУРИЛИШ ВА УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ БОШЛАНДИ

Инаугурация маросимида қатнашарканмиз, давлатимиз раҳбари ўз нутқидa олдимизда турган давр мамлакатимиз учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлиши, кечаги натижа, кечаги қараш ва мезонлар энди тарих экани, улар энди бизни қониқтирмаслигини қатъий таъкидлади.

Бошқача айтганда, олиб борилаётган ислохотлар янги ғоя ва ташаббуслар билан бойитилиб, янада шиддатли тус олади. Шундай бўлиши ҳам керак. Негакки, бугун жаҳон миқёсида қандай кескин ва шиддатли ўзгаришлар бўлаётганини бевосита кузатиб турибмиз. Президентимиз масаланинг ушбу жиҳатига тўхталиб, Ер юзининг турли минтақаларида давом этаётган қуролли можаролар глобал тинчлик ва осойишталикка жиддий путур етказётганини, бундай низо ва тўқнашувлар, шафқатсиз рақобат савдо ва инвестиция оқимларини, товар ва хизматлар айланшини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги буйича янги муаммоларни юзга келтираётганини алоҳида таъкидлади.

Мақсадимиз белгиланган ислохотларнинг таъсирчан ва бардавом бўлишини таъминлаш экан, йўлимизда учраши мумкин бўлган барча хавф-хатар, тўсиқ ва довларни ҳисобга олишимиз зарур. Ўз навбатида, улардан талафотсиз ўтиш чораларини кўришимиз лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Бунинг учун аса “Хар бир кун — бу имконият, ҳар бир кун — бу келажак пойдевори” деган шior ҳаётимиз қондасига, ҳар қайси раҳбарнинг, барча халқ ноиблари, вазир ва ҳокимларнинг кундалик фаолият дастурига айлиниши шартлиги айтилди. Зеро, вақт югурди. У бизни қутиб турмайди.

Давлат раҳбари томонидан ўзига ҳам, бошқаларга ҳам бундай қатъий талаб ва ҳисобдорлик қўйилаётгани бежиз эмас. Чунки кейинги етти йилда қилиниши лозим бўлган ислохотлар ижроси замирида миллионлар инсонлар тақдирини, умид ва ишончнинг ётибиди, десак, хато бўлмайди.

Шундай экан, биз ким бўлишимиз ва қайси соҳада фаолият юритишимиздан қатъи назар, Президентимиз афрофида бирлаштириб ўз ичимизга виждонан ёндашган ҳолда халқимиз ишончига муносиб бўлиш учун бор куч ва имкониятларимизни аямаслигимиз лозим.

**Шаҳноза ХОЛМАҲАМАТОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.**

## ЁШ АВЛОДНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ РУҲИДА КАМОЛГА ЕТКАЗИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида жойларда сайловчилар билан учрашувларда айтиб ўтган муҳим вазифаларга яна бир бор эътибор қаратди. Бу бежиз эмас, албатта. Олдимизда турган энг долзарб масалалар — халқимиз турмуш даражасини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда бошқа давлатлар ва халқлар ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни изчил давом эттиришдан иборатдир.

Сир эмас, охириг етти йилликда Ўзбекистон дунёга янги қиёфа билан танилди. Хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотларнинг республикамизга бўлган муносабати, таъбир жоиз бўлса, баҳоси ўзгариб. Халқаро рейтинг ва индексларда ўрнимиз юқорилади. Қўшилар билан дўстона алоқаларимиз янги босқичга кўтарилиб. Қардош халқлар бемалол, ҳеч бир қийинчиликсиз чегаралардан ўтиб меҳмонга бориб-келмоқда.

Бугунги даврнинг ўзи ушбу йўналишлардаги ишларни янги босқичга олиб чиқишни талаб қилмоқда. Шу боис қасамд ёрдамлари Президентимиз бу борадаги савий-ҳаракатларни барқарор давом эттириш зарурлигини яна бир бор таъкидлади. Айни чоғда узоқ ва яқин давлатлар билан дўстлик алоқалари ва ўзаро ҳамкорлик барча соҳада ривожлантирилишига алоҳида ургу берилди.

Маълумки, бугун дунё айвонида вазият ўта мураккаб. Барчамиз турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар, керак бўлса, тўқнашувлар гувоҳи бўлиб турибмиз. Мана шундай шароитда Ўзбекистон қандай йўл тутуши керак, деган табиий савол туғилади. Мажлисда давлатимиз раҳбари аниқ ва лўнда



қилиб айтганидек, бош мақсадимиз — Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, унинг сарҳади дахлсизлиги ва худудий яхлитлигини янада мустаҳкамлашдан иборат бўлади. Чунки ҳар қандай давлат учун, ҳар қайси халқ учун тинчлик ва осойишталик энг азиз неъмат ҳисобланади.

Хўш, ушбу улкан мақсадга эришиш учун нима қилишимиз керак?

Мақжур йўналишдаги вазифалар ҳам аниқ-тинч белгилаб берилди. Аввало, Қуролли Кучларимизнинг қудрати, мудофаа қобилиятимиз ва харбий салоҳиятимизни янада ошириш мақсадидa миллий армиямизни 2030 йилга қадар энг замонавий қурол-аслаҳа ва харбий техника билан таъминлаш вазифаси белгиланди. Иккинчидан, қўшинларнинг жанговар

руҳи ва салоҳиятини юксалтириш, етук харбий хизматчиларни тайёрлаш, шунингдек, харбий хизматчиларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш бугун ниҳоятда долзарб. Учинчидан, харбий-жанговар қудрат ва юксак маънавий салоҳиятни Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айлантириш вазифаси олдимизда турибди. Тўртинчидан, харбий хизматчиларини, мактаб, техникум ва олий ўқув yurtларида таълим олаётган фарзандларимизни, умуман, ёшларимизни тарихимиз ва маърифатпарвар аждодларимиз мероси асосида тарбиялаш учун зарур шароит яратишиш керак бўлади.

Шунингдек, мажлисида Президентимиз томонидан ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камолга етказиш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат гоёси атрофида бирлаштириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилдики, ушбу масала бугунги таҳликали даврда қанчалик долзарблигини тушуниш қийин эмас.

Эътиборлики, таъкидлаб ўтилган йўналишда махсус дастур асосида иш олиб борилди.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юртимизда ёшларга бўлаётган эътибор келгуси етти йилда янада кучаяди. Пировартида эртaмиз эгалари бўлган ёшларимиз ўзларини ҳар жабада тўлиқ намoён этади. Бунга ишончимиз қомил.

**Кутбиддин БУРҲОНОВ,**  
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

## МАҚСАДЛАРГА БИРГАЛИҚДА ЭРИШАМИЗ

Бугун дунё ҳамжамиятининг нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган. Халқимиз янгиланган Конституциямиз талаблари асосида бўлиб ўтган Президент сайловида муносиб раҳбарга мандат берди.



Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида халқимиз кутаётган ҳамда даврнинг ўзи талаб этаётган муҳим янги ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди.

Ўз навбатида, бугунги таҳликали вазиятда халқимизнинг манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни — самарали ички ва ташқи сиёсат йўлини аниқ белгила олиш ва уни қатъий амалга ошириш лозимлиги, шу боис ҳар бир имконият-

дан оқилона фойдаланиб, ҳар қандай муаммони ақл билан, илм билан ҳал қилиш, турли синовларни халқ билан бамаслаҳат, оғир-вазмин бўлиб энг би ўтиши кераклигини таъкидланди.

Янгиланган Конституцияда муҳрланган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш буйича келгуси етти йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган стратегик мақсадларга эришиш учун мавжуд барча куч ва имкониятларини тўлиқ ишга солиш. “Хар бир кун — бу имконият, ҳар бир кун — бу келажак пойдевори” деган шior қолида, ҳар қайси раҳбарнинг, барча халқ ноиблари, вазир ва ҳокимларнинг кундалик фаолият дастурига айлиниши шартлиги ургуландики, бу бежиз эмас. Зеро, барчамиз биргалиқда баҳамжиҳат олдимизга қўйилган улкан вазифаларни худдалаи оламиз, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Хусусан, белгиланган устувор вазифалар қаторида бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодий билан бирга, аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таяниб, тадбиркорлик фаолиятига янада қулай имкониятлар яратиш, янги-янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш, улар бандлигини ошириш эътибор марказида бўлиши, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, ноғиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқишимиз зарурлиги қайд этилди.

Иқтисодий соҳада туб бурилишлар амалга оширилиши, жумладан, “Яшил иқтисодий”, “Яшил энергия” тамойиллари кенг жойлаштирилиши, иқтисодий-ижтимоий кенг жойлаштириш, қиритилаётган инвестициялар ҳамжамияти бир неча баробар ошириш, 2030 йилгача ялли

ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш таъкидланди. Бу мақсадларга эришиш учун реал имкониятлар, яъни табиий бойликлар ҳамда меҳнат ресурслари, интеллектуал ва маънавий салоҳият, тажриба етарли.

Эндилиқда олдимизда Ўзбекистоннинг мавжуд ноёб саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, уни қудратли индустрия маконига айлантириш, юқори технология ва инновациялар, жаҳон бозорида рақобатдош бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, нафақат моҳир пахтакор ва боғбонлар ўлкаси, балки IT буйича юқори малакали мутахассислар, муҳандис ва энергетиклар, қончи ва металлургалар, физик ва кимёгарлар мамлакатига айлантириш вазифаси турибди. Албатта, ушбу мақсадларга биргалиқдаги савий-ҳаракатларимиз орқали эришамиз.

**Кобул ТУРСУНОВ,**  
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ БИР НЕЧА БАРОБАР ОШИРИЛАДИ

Глобаллашувнинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари бор. Сўнги уч йил пандемия ва ундан кейинги даврда дунё қандай шиддат билан кескин ўзгараётгани, олдиндан таҳлил қилиб бўлмайдиган жараёнлар, турли минтақаларда давом этаётган қуролли можаролар, шафқатсиз рақобат савдо ва инвестиция оқимларини, товар ва хизматлар айланшини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги буйича янгида янги муаммолар келтириб чиқариши натижасида глобал тинчлик ва осойишталикка жиддий путур етказётгани аниқ ҳақиқатдир.

Шунинг учун барчамиз Ватан, эл-юрт манфаатини кўзлаб янги Ўзбекистон деган ягона ва улук мақсад атрофида янада жипслашиб, халқимизнинг орзуси бўлган мана шу эзгу гоёни амалга ошириш йўлида бирлашшимиз керак.

Давлатимиз раҳбарининг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидa таъкидлаб ўтилганидек, келгуси етти йилда тадбиркорлик учун янада қулай имкониятлар яратилиб, янги-янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш, уларнинг бандлигини ошириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, ноғиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган ишлар янги босқичга олиб чиқилади.

Шунингдек, иқтисодий соҳада ҳам туб ўзгаришлар, яъни “яшил иқтисодий”, “яшил энергия” тамойилларининг янада кенг жойлаштирилиши, ички маҳсулот ва хизматлар айланшини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги буйича янги муаммоларни юзга келтираётганини алоҳида таъкидлади.



қиритилаётган инвестициялар ҳажмини бир неча баробар ошириш ва 2030 йилгача ялли ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш режалаштирилмоқда. Бу кейинги етти йилликда ялли ички маҳсулотни қарийб икки баробарга ошириш демакдир. Албатта, олдимизга қўйилган улкан марраларни забт этиш биздан катта куч ва тинимсиз меҳнатчи талаб этади. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган тақлифларнинг рўёбга чиқарилиши юртимизнинг ривожини, халқимизнинг фаровон яшашига хизмат қилади.

**Мақсуд ҚУРБОНБОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.**

## АҲОЛИ УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛАДИ

Президентимизнинг инаугурация маросимидаги нутқидa давлат бошқаруви соҳасида илгор ва замонавий механизмларни жорий қилиш буйича амалга оширилган ишлар давом эттирилиши таъкидланганилиги эътиборимни тортди.

Ҳақиқатан ҳам, аҳолига кўрсатилмайдиган давлат хизматларини рақамлаштириш, инсон омиллини минималлаштириш орқали бюрократия ҳамда коррупцияга барҳам беришимиз мумкин. Биз узоқ йиллар оқибатлар билан курашиб келдик, лекин оқибатларига сабаб бўлган иллатларнинг илдизини қирқишга етарлича эътибор қаратмадик.

Дейлик, жамият, мамлакатнинг ривожланишига тўсиқ бўладиган иллатлар — коррупция ёки бюрократияга йўл қўймаслик буйича нималарга эътибор қаратишимиз кераклиги ёки қандай механизмни ишга туширсак, бу муаммолар барҳам топади деган саволга жавоб изламадик. Юртбошимиз давлат хизматлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши ва давлат бошқарувида мавжуд бўлган мингглаб функциялар босқичма-босқич рақамлаштирилиши орқали аҳоли учун янги қулайликлар яратилишини айтиди.

Баъзан фуқаролар ўзи дуч келган муаммони қайси ташкилот ёки вазирлик ёрдамида ҳал қила олишни ёки уларга қандай мазмунда ариза ёки мурожаат билан чиқишни билмай қолиши

## БАРЧАМИЗДАН ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидa илгари сурилган мақсад ва вазифалар ҳамда пухта ўйланган режалар мамлакатимизнинг бундан кейинги даврдаги тараққиёти, халқимизнинг янада фаровон турмушини таъминлашга қаратилгани билан муҳим ҳаёмиатга эга.

Нутқда келгуси етти йилга мўлжалланган залварли мақсадлар, яъни мамлакатимизда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аниқ даврдаги мавжуд глобал муаммоларга ечим топиш ва барча жабадаги ислохотларни янги босқичга кўтариш, тинчлик ва хавфсизликни барқарор таъминлаш, халқаро ҳамкорликни қатъийлаштириш ва пировартида Ўзбекистонни еркинлик, имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя, масъулият тамойиллари ҳукморлик қиладиган кучли ижтимоий давлатга айлантириш вазифалари белгилаб берилди.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, “Олдимизда турган давр Ўзбекистон учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлади. Кечаги натижа, кечаги қараш ва мезонлар энди тарих. Улар энди бизни қониқтирмайди. Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади”.

Дарҳақиқат, гувоҳи бўлаётганимиздек, бугун дунё шиддат билан ўзгариб бормоқда. Мана шундай таҳликали вазиятда халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни — самарали ички ва ташқи сиёсат йўлини аниқ белгила олишимиз ва уни қатъий амалга оширишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, сўнги йилларда мамлакатимизда қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишларни бутунлай янги асосда ташкил этиш юзасидан қўрилган чоралар натижасида сезиларли ижобий силжишларга эришилди. Жумладан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги масъулияти оширилиши, нормаларни чуқур таҳлил асосида ишлаб чиқиш ва амалиётга самарали таъбиқ қилиш борасида салмоқли тажриба шаклланди.

Ўз навбатида, янгиланган Конституциямизда бугунги замонга мос профессионал парламент фаолиятининг



асосий йўналишлари тўлиқ асос эътирилади. Олдимизда турган мақсад ва вазифаларни оғишмай самарали амалга ошириш учун давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгариш ва янгиликларга, дунёдаги мавжуд вазиятга ҳамроҳ тарзда янада самарали, халқчил қонунларни ишлаб чиқиш, ўтган даврда қонун ижодкорлиги соҳасида эришилган миллий тажриба ва жаҳоннинг энг демократик давлатларининг ижобий натижасини чуқур таҳлил этган ҳолда мавжуд нормаларга ўзгариш ва кўшимчалар киритишимиз керак бўлади.

Айтиш жоизки, қонун ижодкорлиги ўзига хос мураккаб усул ва воситалар мажмуини талаб қиладиган, жамиятда ҳуқуқ нормасига мавжуд эҳтиёжни аниқладан тортиб, то тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат кучга кириб, унинг ижроси мониторингини амалга оширишгача бўлган мураккаб ҳаракатларни ўз ичига оладиган ўта масъулиятли жараёндир.

Бу борада давлат раҳбари ўз нутқидa: “Халқимизнинг бизга билдирган юксак ишончи барчамиздан — депутат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларидан, ҳар бир юртдошимиздан белиминини янада маҳкам боғлаб, аввалгидан икки-уч қарра кўпроқ ғайрат ва шжоат билан ишлашни талаб этади”, деб алоҳида айтиб ўтди.

Эндилиқда барчамиздан, шу жумладан, биз, сенаторлардан ҳар бир эзгу мақсад-вазифалар ижросига юксак масъулият билан ёндашишни давр тақозо қилмоқда.

**Наримон УМАРОВ,**  
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

## Гулуҳуқ АҒЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.



ги оширини таъминлайди. Умуман олганда, маҳаллий Кенгаш депутатлари корпусини шакллантириш тартиб-таомиллари қайта кўриб чиқиши буйича вазифалар илгари сурилди.

Бу каби ташаббуслар биз, депутатларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижросини назорат қилиш билан боғлиқ фаолиятимизни қайта кўриб чиқишимиз зарурлигини кўрсатади. Бундан ташқари, жойларда халқнинг фикрини, қайфиятини ўрганиш, уларнинг муаммоларига ечим излаш борасидаги ишларимизнинг сифати ва қўламини оширишимиз керак бўлади. Президентимиз таъбири билан айтадиган бўлсак, ҳақиқий сафарбарлик энди бошланади.

**Гулуҳуқ АҒЗАМОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.**



# ЭЗГУЛИК ВА МАЪРИФАТ КУРАШЧИСИ

## Халқимизнинг маънавий-маърифий тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатларнинг муносиб эътирофи

Шу йил 27 июнь — Қурбон ҳайити арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз маънавий-маърифий муҳити учун гоят муҳим фармонларни имзолади. Уларнинг бирида Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг собиқ раиси, муфтий, марҳум шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, иккинчисида Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг собиқ раиси, муфтий, марҳум шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон “Олий Даражали Имом Бухорий” ордени билан тақдирланди. Бу хушxabар нафақат халқимиз, балки бутун ислом олами аҳли қалбида миннатдорлик туйғуларини уйғотди.

Бу муҳим ҳужжатлар илму маърифат билан зийнатланганда инсон шахсияти мангуликка дахлдор эканига яна бир ҳаётий мисолдир. Зеро, мавлоно

Жалолiddин Румий инсон мавқеи илоҳийлигини таъкидлаган:

*Аё, сиз, жон чекиб ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни, Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий — сиз, илоҳий — сиз.*

Муқаддас ислом тугини баланд кўтариб, халқ маънавияти ва маърифати юксалишига улкан ҳисса қўшган икки улуг ўзбек уламоси ҳаёти ва фаолияти беҳитёр мавлононинг ушбу беқиёс сатрларини эслалади.

Ёпиқ мамлакат мусулмонларнинг дунё билан боғлиқ туришида гоят закий ва нигоҳи олисни илган шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон олиб борган фаолият, “Қаловини топсанг қор ёнади”, деганларидек, мусулмонлар бошини қовуштирган эди. Уни таҳлил ва тадқиқ қилиш, баҳолаш, халқимизни уламо улашган нурдан бахраман эйтиш учун ҳали кўлаб ишлар қилиниши зарурлигига Президент Фармони дебеча сифатида кенг йўл очиб берди.

### Мураккаб тарихий шароитда манфаатли фаолият

Фармондаги “гоят мураккаб тарихий шароитда фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз ва минтақамизда ислом маданияти ва илм-фанини ривожлантириш...” деган сўзлар ҳар бир кишини ўйлашга, мулоҳаза қилишга, таққослашга ундайди. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир шахсга баҳо беришда у яшаган муҳитдан келиб чиқиш адолат мезонидир. Акс ҳолда, “ёв қочғач, битир кўпар”, қабилади бир ёклама хулосалар келиб чиқади.

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг шўровий мафкура хуқронлиги пайтидаги фаолияти оловга бурканган жанг майдонидан ўтиб браёртаган жангини эслади. Кутилмаган таҳдидлар, хавотирлар, четдагидан ҳам кўра нишонни аниқ олиш имконига эгаллигини кўлдан бермаган ички қаридагилар, яъни ўзингилар. Таҳдидли, оловли майдондан бошини, жонини омон-эсон олиб ўтиш жангчи қисматини белгилайди.

Аmmo... пайгамбарлар, валилар, юрт оғалари, уламолар, олимлар, авлиёлар қаршида янада каттароқ хавфлар таҳдид солиб туради. Улар Ҳақ майдонидан сўзу амал бирлиги билан имонлирини саломат олиб ўтишлари лозим. Иккиси ҳам кураш. Ҳаёт учун кураш. Элу юрт учун кураш. Ватан учун кураш. Аммо Ҳақ йўлидаги аъморлар ҳамма вақт ҳам қурол билан амалга ошавермайди. Дин воситасидаги рух онгини юксалтириш, қалбини тозалаш кураши инсоният камолотини белгилайди.

Жалолiddин Румий луфт этганидек, комил инсонда гафлат бўлмади — гафлати эҳл илмини ато этади; жоҳида ҳикмат бўлмайди — илми ҳам жаҳолатини фoш этади.

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон комиллик йўлида масъулиятни зиммасига олиб, элу юрт қисмати учун камарбаста бўла олган зот эди. Бу камарбасталик фурсат чегараларини тан олмайди — бугунги кун, келажак учун ҳам баробардир.

Айниқса, мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари, туман марказлари нари турисин, энг олис гўшаларда ҳам жоме масжидлар фаолият юритаётган, қишлоқ ва аҳоли турар joyларида бу борада етарлича шарт-шароитлар яратилган ҳоҳирги давр билан ўтган асрдаги мураккаб тарихий шароит қиёсланганда бу инсон томондан дин, маънавият, маърифат йўлида амалга оширилган ишларни чинакам қаҳрамонлик нуманиси деса бўлади.

Утган асрда ҳамиятда динсизлик ҳуқмрон бўлганини такрорлашга ҳожат йўқ. 1943 йилда ташкил этилган Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси фаолият бошлаганида ҳамиятда қабоҳат ҳуқм сурарди. Масжид, мадрасалар ombорхона, уламолар қувғинда — баъзилари замон зайли билан талабаларга атеизмдан сабоқ бериши ҳоллари ҳам учраб турарди. Дунёси ва обрўсидан ажралиб қолишдан қўрққан, уларни сақлаб қолиш мақсадида динга эътиқод қилишдан бош тортган, қанча-қанча мусулмонларга азият етказган ўқитинчи тузумнинг сохта диндорлари қабоҳатлари, қатагонлар, доимий таъийкларга қарши ўз эътиқолида мустаҳкам қоя каби тура олган ўзбекистоннинг биринчи муфтийи Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ёнида ўғли шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон

Бобохон қози рутбасида иш бошлаб, курашларда тобланди.

Ота фарзандлари унинг ишини давом эттиришини, ислом воизи бўлиб етишишини Аллоҳдан тиларди. Болалик чоғларидаёқ отаси берган Қуръон ўқиш дарсларида муқаддас оятларни ёд олган, ислом ва унинг муқаддас китобига муҳаббати шакланган ёш олим падари истаганидан-да зиёда уламо бўлиб халққа танилди.

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон минбарга чиқиб ваъа айтганида Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан ўз ўрнида мисоллар келтириб, тингловчиларни эзгулик йўлидан юришга ундар, зиё нуруни таратар, қалбидаги самимият овозига кўчар, шу туйғуларни ҳар қандай одамни ўзига жалб эта оларди.

“Муסיбатларга сабр қилишниқинг фасилатлари”, “Ҳақиқат ва ноҳақиқ”, “Рамазони шариф ҳақида”, “Мақкаи мукаррамага қилинган ҳаж сафари ҳақида”, “Туркияга қилинган сафар ва баъзи оятлар тафсири хуусида”, “Мавлуди шариф, Имом ал-Қафол

мизни кенгайтиради. Руҳан бақувват қилади. Шундай кунлар келишига ишонган у зотларнинг руҳлари хотиржам тортиб, мангуликка эврилади.

### Инсонпарварлик моҳияти ва эзгу гоялар

Фармоннинг навбатдаги бандидаги “муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳияти ва эзгу гояларини эл-юртимизга беэавол етказиш” эътирофи туйғули шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг самарали фаолиятининг кўздан пана қириларига яна бир кур назар ташлаш имконини кўлга киритамиш.

У кишини кўрган-биланларнинг шоҳидлик беришларича, шайх ҳазратлари маърака-маросимларда, тўй-хашамларда устига ёпилган саруполари, кўлларига тутказилган тугундаставзеларни ўша жойининг ўзида камбағалларга бериб юборишни одат қилган экан.

Саховат, мурувват, оқибат, бағрикенглик туйғулари муқаддас ислом динида ҳамиша улуглаб келинган.

*“Мусулмонлардан сон жиҳатидан камчиликни ташкил этувчи христианлар Урта Осиё ва Қозоғистонда мусулмонларнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлгани, ўзaro дўст бўлиб яшаётганликларини кўриб ҳайратландим. Булар ҳақида менга Тошкент Православ Архиепископи ва Урта Осиё Варфоломейси гапириб берган эди, энди эса ўз кўзим билан кўрдим. Бу ишларнинг ҳаммасини аjoyиб дўстим муфтий Зиёвуддинхон амалга оширганлиги ҳеч кимга сир эмас эди”.*

**Митрополит Крутицкий ва Коломенский, Русь Православ церкви муқаддас Синоди аъзоси.**

аш-Шоший тарихи ва “Фил” хусусида, “Фил” йили ва унинг Пайгамбаримизнинг таваллудлари билан боғлиқлиги хусусида” каби ўнлаб вазъларнинг ҳар бири кенг қамровлиги билан катта бир асарга тенг туради.

Уламонинг магнит тасмаларида сақланиб қолган ибратли вазъларнинг ўзбекистон телевидениеси ва радиоси орқали халқимизга етказиб борилиши кони фойда ҳисобланади. Айниқса, зангори экран орқали туну кун бир-бирига мазмунан ўхшаш, ту-туриқсиз сериаллар, енгил-елпи кўй-қўшиқлар халқимиз меъдасига теккан шу кунларда бу жуда муҳимдир. Зеро, ўзбек халқининг миллий маънавияти юксак, тарихи такрорланмасдир. Ҳар жиҳатдан ангиланиб бораётган ижтимоий ҳаёт муҳити чанқоқлиги маънавий жиҳатдан шу зайлда қондириб борилсагина, кўзда тутилган режаларнинг амалга ошиши янаям шиддатли тус олади. Зеро, ниҳол ҳам томир кўзи кунгай томонга ўнғлаиб, тоза ерга экиладики, тезроқ ҳосилидан бахраманд этсин деб!

1957 йилда отаси ўлимидан сўнг шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлариго бош бўлиб, мохир дарга каби уларни эзгулик манзиллари томон бошлади. Ислом маърифати ва маънавиятига юксак эътибор қаратилаётган бугунги кунлар учун елка тутди. Унинг хизмати шунда. Унутилмаслиги шунда. Бунинг бизга эслатган ҳужжатни аҳли ислом, аҳли уламолар мамнулик билан кутиб олишгани, оқилона деб аташгани сабаби ҳам шу.

Бугунги дориланон кунларнинг келишини орзу қилган улуг аждодларимиз руҳлари шод бўлиши йўларимизни ойдинлаштиради. Имкониятлари-

### “Мен юртимга мусулмон бўлиб қайтардим”

Ҳужжатда “буюк уламо ва мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий меросини турли миллатлар ва элатлар орасида кенг тарғиб этиш борасидаги кўп йиллик ибратли фаолияти, халқро микёсда динлараро мулоқотни йўлга қўйиш, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш” деган сўзларни ўқир эканмиз, эзу иш ҳеч қачон завол билмаслиги хаёлимиздан ўтади.

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон Жаҳон тинчлик кенгаши аъзоси (Хельсинки), Совет тинчлик кўмитаси хайъат аъзоси (Москва), Осиё ва Африка халқлари бирдамлик ташкилоти хайъат аъзоси (Москва, Қоҳира), Дўстлик ва маданий алоқалар совет жамияти хайъат аъзоси (Москва) ҳамда шу ташкилотларнинг ўзбекистондаги бўлимларига хайъат аъзоси этиб сайланган. Масжидлар бўйича Олий Кенгаши (Мақка), Жаҳон ислом конгресси (Карачи), Ислом ишлари бўйича жаҳон Олий Кенгаши (Қоҳира) ва Ислом тамаддуинини ўрганиш бўйича Иордания Қиролик академияси аъзоси бўлган.

У киши совет давлатининг жаҳондаги 80 га яқин ислом ва араб мамлакатлари билан дипломатик ва иқтисодий алоқалар ўрнатишида аҳамиятли ўрин тутган. Чунки ислом оламида шайх ҳазратларига ишониларди. Ўз навбатида, Ҳақ йўлидаги уламо ислом оламининг доимий эътиборида эди. Атеизмга асосланган ботил мафкура шакланган шўро жамиятида унга зарар-заҳмат етказиб кўйилиши мумкинлигидан хавотир олишарди. Аммо шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон бу қийин шароитда юксак салоҳият, бағрикенглик, доимиятлик туйғули чангалзор сўқмоғида йўл толган йўловчи сингари ўқитинчи мафкуралар майдонида муқаддас динимиз маънавияти ва маърифати учун кўлидан келган барча ҳаракатни қилар эди.

Уша пайтларда дунёнинг икки — социалистик ва капиталистик кутблари орасида гоҳ пинҳоний, гоҳ ошқора тарзда доимий кураш борарди. Кичик учкундан катта аланга чиқиб кетмаслиги учун жаҳон афкор оммаси талабидан келиб чиқиб, дунёнинг турли мамлакатларида тез-тез халқро миқёсдаги тинчлик анжуманлари ўтказиб турилар, уларда Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари номидан шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон фаол қатнашарди. Унинг нутқлари аjoyиб эди — бир қараганда оддий, аммо мазмун-моҳияти имон-эътиқод нурлари билан йўрилган, қатъиятли, ўзига ишонган доворақ нотикинг дунё ахлига мурожаати бўлиб янгради. Мухокамаларда фаол қатнашар, фикр-мулоҳазалари кўччилика манзур бўлганидан унинг иштирокисиз бундай анжуманлар фойдсиз туюларди.

Хорижий мамлакатларнинг бирида ўтказилган анжуманда у олий рутбадаги патриарх билан меҳмонхонада ҳамхона бўлиб қолади. Сафар якунлиниши-

*“Биз, шайх Зиёвуддинхоннинг шогирдлари ул зотнинг инсонларга нисбатан меҳр-муҳаббат, халқар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ўрнатишга чорловчи ихомбодчи сўзларидан бахраманд бўлганимиз билан фахрланамиз. Устозимиз ҳар биримизга инсон ҳаётининг такрорланмас қадр-қимматини сақлаш, инсонга гамҳўрлик кўрсатиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳиссини сингдирганлар. Ул зот бизни ягона ислом динига ўратиб, динни фожиага олиб келувчи мазхабпарастликдан эҳтиёт бўлишга чақирардилар”.*

**Шайхулислом Оллошукур Пошшонова, Кавказ мусулмонлари илораси раиси.**



*Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон 1908 йили Тошкент шаҳрида, ислом алломаси Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон хонадонида тугилган. 12 ёшида ҳофиз Қуръон бўлиб, Кўкалдош мадрасасида ҳадис ва фикҳ илмини ўрганган. 1943 йилда Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси ташкил этилганда, отаси Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон раис, ўзи эса масъул котиб ва ўзбекистон қозиси этиб сайланган. 1947-1948 йилларда Қоҳирадаги Ал-Ахзар дорилфунунда, сўнгера Мақка ва Мадина шаҳарларида тахсил олган. 1948 йили минтақа мусулмонлари диний бошқармаси ноиб, 1957 йилда отасининг вафотидан сўнг раис, муфтий этиб сайланди ва унинг охирига қадрар бу вазифада самарали меҳнат қилади. Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг раҳбарлиги даврида Қуръони карим ва бошқа диний китоб-дарсликлар чоп этилди. Тошкентда олий маъҳад очилди, мусулмонлар учун журнал, тақвим нашр этила бошлади. У шўро ҳукуматиинг “Хурмат белгиси”, “Халқлар дўстлиги” орденларидан ташқари, икки марта биринчи даражали “Иордания юлдузи” ордени, “Иордания юлдузи” кўкрак нишонни, биринчи даражали “Ливан қорақовуқи” ордени, Марокашининг олий даражали “Улуғ дошиман” ордени, “Ливан юлдузи” ордени билан тақдирланган эди. 1982 йили вафот этган, қабири Тошкентнинг Ҳасни Имом мазрасида.*

\*\*\*

*“Бизнинг шарафли дўстимиз Марокашда кўлаб яқин дўстлар ва танишлар орттирган эдилар, улар у кишида бутун умри давомида ҳақиқат йўлида оғшмай қадам босган аjoyиб шахс, инсонинг намунасини яққол кўрганлар. Муфтий Зиёвуддинхон Марокаш халқи билан қадимий қон-қардошлик иллари боғлаб турши ҳақида бир неча марта гапираилар”.*

Доктор Абдул Ҳоди ат-Тозий, Марокаш

газабланишлари, душманлик қилишлари мумкин эмас. Кимки бу дунёда кўнглида газаб билан юрса, бундан у фақат зарар кўради, гуноҳкор бўлади. Шунинг учун уруш-жанжал, хафагарчиликларни унутинг. Шу билан бирга, мен газабдор, душманлик қилганларни ҳимоя қила олмайман. Тинчлик-хотир-жамликда, дўстликда, ҳамжихатликда яшанг, бир-бирингизга нисбатан кеңиринми, сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли бўлинг. Кимки уни, хафа қилган одамни чин юракдан кеңира олса, ўшага жаннатий деб хушxabар бераман” каби ўғитларни кўп марта айтганлар.

### Миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг ёпилган масжидларини очиб, бузилиб ётганларни таъмирлаш, диний тадбирларни ўтказиш, фуқароларнинг ҳаж сафарларига руҳсат олиб, бўлажак ҳржиларни унга тайёрлаш ва муқаддас қадамжолар-

Биноси унинг бошчилигида барпо этилган эди. Уша даврларда Рақат маҳалласида яшовчи Миржалил ота ўзига тегишли бўлган боғдан саккиз сотих ер ажратиб, бу жойга масжид қуриш учун берган. Шундан сўнг 1954 йилда масжид тикланган ва ўз фаолиятини шу кунга қадрар давом эттириб келмоқда. Уламонинг қизи Муҳлиса отаси бир кун оқ рўмолга ўралган гишт олиб келиб, Рақат маҳалласида янги масжид қуриш учун Москвадан руҳсат олганини айтиб, оқ фотиҳа беринг, деб сўраганини эслаб ёзади. 97 ёшда унда ўтириб қолган Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ўнг қўлини гишт устига қўйиб, “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Бундай муқаддас даргоҳлар юртимизда кўлаб очилиб, мусулмонларга хизмат қилсин!” деб юзларига фотиҳа торган экан. “Рақат” жоме масжидининг биринчи гишти ўша экан.

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ташкил этилишига бевосита раҳбарлик қилди. Бухорода Мир Араб мадрасаси фаолияти қайта тикланиши учун жонбозлик кўрсатди. Муқаддас динимиз аъаналарини тарғиб қилишдан ташқари илмий, адабий фаолият билан ҳам шуғулланди. Ибн Синонинг гиғенага оид китобини ўзбек ва рус тилларига ўғирди. “Диёримизда ислом ва мусулмонлар” асариди ислом динининг туб моҳиятини очиб берди. Ислом барча замон ва халқлар учун салоҳият яли дин эканини, унинг тамойиллари ҳамма яхши ниятли кишиларнинг орзу-умидлари билан ҳамоҳанглигини кўрсатди. Фундуҳий тахалууси билан шеърлар ёзди.

Шўро давлатида муқаддас ислом динининг қайта тикланиб, диний кадрлар тайёрлаш, халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатиш йўлида шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон катта ишларни амалга оширди. Жаҳонда тинчлик учун курашди. Унинг хизматлари бугунги кунда ардоқланиши нафақат муқаддас ислом динининг юртимизда яна ўз ўзига қайтгани шукронаси, балки эл-юрт бахту саодати йўлида ҳалолатидан ке-чиб, фидоийларча меҳнат қилган инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмаслиги, доим ёззов ва эҳтирдора эканининг яққол ифодасидир.

Шойим БУТАЕВ («Халқ сўзи»)

**Халқ сўзи Народное слово**

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бу юртимга Г — 741. 13 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ГАЗЕТАНИНГ СЎЗНАВИЙ БЕРАЛИШИ УЧУН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРГАН ТАШКИЛОТ ЖАВОБГАР.

ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРАМИ ДАМДА ОПЕРАТОР А. ИСАИЛОВ ТОМОНИДАН САҲИФАЛАНДИ.

ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК ҲИЖАТДАН СИФАТИ ЧОП ЭТИЛИШИГА “ШАРҚ” НАШИРЎЕТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МАСЪУЛ. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.  
Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“ШАРҚ” НАШИРЎЕТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6

ГАЗЕТАНИНГ ҲАҚИДАТИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ОҚИБ ОЛИШ УЧУН QR-КОДИНИ ТЕЛЕФОННИНГ ОРҚАЛИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 90-371-64-04;  
Эълонлар 90-999-77-65.